O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo`rg`on shahar
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакургана
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo`rg`on shahri, Amir Temur ko`chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2015 у.г. «24» июл №572/8 Kattaqo`rg`on sh. – г. Каттакурган

***Енгил типда автомобилларни ювиш шохобчаси ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54- сон "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган бошқа эхтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссиянинг далолатномасини, Каттақўрғон шаҳар Заргар берк кўчаси 4 уйда яшовчи Шадиев Зубайдулло Гайбуллаевичнинг шаҳар ҳокими номига аризасини инобатга олиб,

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар Заргар берк кўчаси 4 уйда яшовчи Шадиев Зубайдуллога Беклар(Э.Миралиев) кўчасида фойдаланилмай турган 30 кв.метр ер майдонида мукаммал қуриш ишларини қилмаслик шарти билан енгил типда автомобилларни ювиш шохобчаси ташкил этишга рухсат берилсин.
3. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси зиммаларига юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида курсатилган 2 йил муддат ичида Шадиев Зубайдулло томонидан ушбу ишлар амалга оширилмаса қарор ўз кўчини йўқотди деб хисоблансин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари .Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими Ш.Ж.Рахмонов